

«DORI-DARMON» акциядорлик компанияси
Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг
4 – сон БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

2019 йил 28 июнь

Умумий йиғилиш ўтиш жойи: **«DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг Бош офиси, Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 21.**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Компаниянинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони - **20 072 000 дона.**

АК «DORI-DARMON» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) Компания Кузатув кенгаши томонидан 2019 йил 04 июнда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати тузилган сана – **2019 йил 24 июнь.**

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 58-моддаси ҳамда Компания Уставига мувофиқ, Кузатув кенгаши раиси ёки у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади. Шунга кўра, ушбу йиғилишда Кузатув кенгаши аъзоси А.Э.Миралиев қатнашаётганлигини инобатга олиб, ушбу йиғилишни очди.

А.Э.Миралиев акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, Йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси У.М.Юлдашевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Марказий Депозитарий томонидан 2019 йил 24 июнь ҳолатига шакллантирилган «DORI – DARMON» Акциядорлик компанияси акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 2542 та акциядорга тегишли 20 072 000 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 16 679 756 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 37 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг **83,10%** ни ташкил этади.

Шундан кейин, Раислик қилувчи А.Э.Миралиев ҳисобот умумий йиғилишини очиқ деб эълон қилди ва ишчи президиум сайлаш таклифи билан акциядорларга мурожаат қилди. А.Э.Миралиев 2 (икки) кишидан иборат қуйидаги таркибда Йиғилиш президиумини сайлашни таклиф қилди:

1. Миралиев А.Э. – Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи;
2. Салихбаева У.С. – «DORI-DARMON» АК бошқарув раиси.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш президиуми қуйидаги таркибда сайлансин:

1. Миралиев А.Э. – Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи;
2. Салихбаева У.С. – «DORI-DARMON» АК бошқарув раиси.

Шундан сўнг, раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш баённомасини юритиш учун котиб этиб, О.Б.Қодировни сайлашни таклиф этди.

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш котиби этиб, О.Б.Кадыров тасдиқлансин.

Шундан кейин, раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш регламентини ўқиб эшиттирди ва уни тасдиқлашни таклиф этди (илова қилинади).

Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Бир овоздан қабул қилинган ва эълон қилинган Қарор:

Йиғилиш регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Э.Миралиев Йиғилиш Кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
 2. Кузатув кенгашининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисоботини тинглаш.
 3. «DORI-DARMON» АК бошқарувининг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
 4. Тафтиш комиссиясининг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
 5. «DORI-DARMON» АК нинг 2018 йил якунлари бўйича зарарини кўриб чиқиш.
 6. «DORI-DARMON» АК нинг 2019 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
 7. «DORI-DARMON» АК кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
 8. «DORI-DARMON» АК тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
 9. «DORI-DARMON» АК бошқарув раисини сайлаш.
 10. «DORI-DARMON» АК нинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва янги тахрирда тасдиқлаш.
 11. «DORI-DARMON» АК нинг ички низомларини янги тахрирда тасдиқлаш.
 12. «DORI-DARMON» АК Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилиланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш.
 13. «DORI-DARMON» АК да 2019 йил молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.
 14. «DORI-DARMON» АК нинг 2017 йил якунлари бўйича соф фойда таксимотидан компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган 9 904,991 млн.сўм миқдордаги маблағларни Компания зарарлари қоплашга йўналтириш.
- Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.**

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан Йиғилиш раиси А.Э.Миралиев, Компания Кузатув кенгаши томонидан тузилган санок комиссияси аъзоларини тасдиқлашни таклиф қилди. Санок комиссиясига қуйидаги номзодлар таклиф этилган:

- Юлдашев Улугбек Михлибаевич;
- Қодиров Ойбек Ботирович;
- Тургунов Жаҳонгир Аҳаджонович.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Санок комиссияси қўйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Юлдашев Улузбек Михлибаевич;
- Қодиров Ойбек Ботирович;
- Тургунов Жаҳонгир Аҳаджонович.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 662 268 та овоз, 99,895%, қабул қилинди;

Қарши – 0 та овоз;

Бетараф – 12 905 та овоз, 0,077%.

Кун тартибидаги 2-масала юзасидан Йиғилиш раиси А.Э. Миралиев сўзга чиқиб, Компания Кузатув кенгашининг 2018 йил иш фаолияти бўйича, ўтказилган мажлислар сони, қабул қилинган қарорлар ва улар бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди (ҳисобот матни илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Кузатув кенгашининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 662 268 та овоз, 99,895%, қабул қилинди;

Қарши – 0 та овоз;


Бетараф – 12 905 та овоз, 0,077%.

Кун тартибидаги 3-масала юзасидан Компаниянинг молия бўйича директори И.Разаков сўз олди ва Компаниянинг 2018 йил натижалари бўйича йиллик ҳисоботини акциядорларга тақдимот қилди (ҳисобот илова қилинади).

Унга кўра, 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат:

- товар айланмаси - бизнес режа бўйича 95 000,0 млн. сўм, амалда – 69 505,655 млн.сўм, режага нисбатан бажарилиши 73,2 фоиз;
- жами даромадлар - бизнес режа бўйича 104 225,0 млн. сўм, амалда – 34 875,176 млн.сўм, режага нисбатан 33,5 фоиз;
- жами харажатлар - бизнес режа бўйича – 141 975,0 млн. сўм, амалда – 91 158,09 млн.сўм, режага нисбатан 64,2 фоиз;

Компания 2018 йил якунлари бўйича 56 282,91 млн. сўм зарар кўранлиги маълум қилинди.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли Қарорига асосан Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари аниқланиб, 2018 йил якунлари бўйича мазкур кўрсаткичлар Компанияда -6,98% ни ташкил этганлигини ва уни тегишли Давлат органи веб-сайтида ўз вақтида ошкор этилганлиги маълум қилинди.



Йиғилиш раиси, Компания бошқарувининг йиллик ҳисоботи Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда 2019 йил 04 июндаги мажлисида тасдиқланганлигини маълум қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компания бошқарувининг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Компаниянинг 2018 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 662 268 та овоз, 99,895%, қабул қилинди;

Қарши – 0 та овоз;

Бетараф – 12 905 та овоз, 0,077%.

Кун тартибидаги 4-масала юзасидан Компания тафтиш комиссияси аъзоси Ў.Мухаммадиев сўзга чиқиб, Компания тафтиш комиссиясининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (Тафтиш комиссияси ҳисоботи илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Тафтиш комиссиясининг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 659 268 та овоз, 99,877%, қабул қилинди;

Қарши – 0 та овоз;

Бетараф – 15 905 та овоз, 0,095%.

Кун тартибидаги 5-масала юзасидан Йиғилиш раиси А.Э. Миралиев Компания томонидан 2018 йил якуни бўйича 56 282,91 млн.сўм зарар кўрилганлигини маълум қилиб, ушбу кўрилган зарарни маълумот учун қабул қилишни таклиф қилди ва Компания бошқарувига 2019 йил бизнес – режаси кўрсаткичларини тўлиқ бажарилишини таъминлашни тавсия қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» АК нинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича 56 282,91 млн.сўм зарар мавжудлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Компания бошқарувига 2019 йил бизнес – режаси кўрсаткичларини бажарилиши таъминлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 643 768 та овоз, 99,784%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 31 405 та овоз, 0,188%.

Кун тартибидаги 6-масала юзасидан Компаниянинг молия бўйича директори И.Разаков сўз олди ва «DORI-DARMON»АКнинг 2019 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тақдим қилди (илова қилинади) ва ушбу бизнес-режа бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг 2019 йил учун бизнес-режаси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 671 277 та овоз, 99,949%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 3 896 та овоз, 0,023%.

Кун тартибидаги 7- масала юзасидан мажлис раиси А.Э.Миралиев сўзга чиқиб, Компаниянинг йирик акциядори Давлат активларни бошқариш агентлиги томонидан Компания Кузатув кенгаши таркибига таклиф этилган номзодларни ўқиб эшиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

т/р	Ф.И.О.	Иш жойи ва лавозими
1	Ризаев Камол Саидакбарович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси котибият мудир
2	Юсупалиев Баходир Кахраманович	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақдаш вазирининг биринчи ўринбосари
3	Ашрафханов Бахром Баходирович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари
4	Ахмедов Жўрабек Илхомович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи
5	Ашуrow Зуфаржон Рухиллоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи

6	Хусанов Нодир Джумаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи
7	Миралиев Алишер Эркинович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи
8	Каххоров Азизжон Ахрорович	Давлат активларини бошқариш агентлиги Департамент бошлиғи ўринбосари
9	Шакиров Баҳром Аскаралиевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи
10	Мустафаев Зафаржон Бурибаевич	«Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» АЖ ҚҚ Бош директори

Санок комиссияси раиси У.М.Юлдашев кумулятив овоз бериш тартибини акциядорларга тушунтирди.

Кумулятив овоз бериш натижалари:

1. *Ризаев Камол Саидаббарович* – 14 300 608 та овоз, **сайланди.**
2. *Юсупалиев Баходир Кахраманович* – 14 326 698 та овоз, **сайланди.**
3. *Аишафханов Баҳром Баходирович* – 15 676 600 та овоз, **сайланди.**
4. *Ахмедов Жўрабек Илхомович* – 14 313 508 та овоз, **сайланди.**
5. *Аишуров Зуфаржон Рухиллоевич* – 14 306 708 та овоз, **сайланди.**
6. *Хусанов Нодир Джумаевич* – 14 304 482 та овоз, **сайланди.**
7. *Миралиев Алишер Эркинович* – 14 306 268 та овоз, **сайланди.**
8. *Каххоров Азизжон Ахрорович* – 14 289 813 та овоз, **сайланмади.**
9. *Шакиров Баҳром Аскаралиевич* – 14 379 889 та овоз, **сайланди.**
10. *Мустафаев Зафаржон Бурибаевич* – 19 815 760 та овоз, **сайланди.**

Кун тартибидаги 8-масала юзасидан юзасидан мажлис раиси А.Э.Миралиев сўзга чиқиб, Компаниянинг йирик акциядори Давлат активларни бошқариш агентлиги томонидан Компания Тафтиш комиссияси таркибига таклиф этилган номзодларни ўқиб эшиттирди ва улар бўйича тўлиқ ахборот берди.

т/р	Номзодлар	Доимий иш жойи
1	Мухаммадиев Уктам Шарифович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари
2	Мустафаев Хуршид	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари
3	Эшабаев Эркинжон Холбоевич	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Компания тафтиш комиссияси қўйидаги таркибда Компания акциядорларининг келгусидаги йиллик умумий йиғилишигача сайлансин:

- **Мухаммадиев Уктам Шарифович** – Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари,
- **Мустафаев Хуршид** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари,
- **Эшабаев Эркинжон Холбоевич** – Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 643 768 та овоз, 99,784%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 31 405 та овоз, 0,188%.

Кун тартибидаги 9- масала юзасидан Йиғилиш раиси А.Э.Миралиев сўзга чиқиб, «DORI-DARMON» АК Кузатув кенгаши томонидан Компания бошқарув раиси лавозимига Салихова Умида Саидовна номзоди таклиф қилинганлигини ва ушбу номзод Компания томонидан ташкиллаштирилган танловда ғолиб чиққанлигини маълум қилди.

Шунингдек, 2019 йил 27 феврал ойдан ҳозирги кунга қадар Компаниянинг молиявий-иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларини инобатга олган ҳолда, бошқарув раиси в.в.б. Салихова Умида Саидовнани «DORI-DARMON» акциядорлик компанияси бошқарув раиси этиб, сайлаш (акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар) масаласини акциядорлар умумий йиғилишига таклиф қилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг бошқарув раиси этиб, Салихбаева Умида Саидовна сайлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 671 277 та овоз, 99,949%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 3 896 та овоз, 0,023%.

Кун тартибидаги 10-масала юзасидан Компания корпоратив маслаҳатчиси О.Б.Қодиров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига 2019 йилнинг 20 мартда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги сабабли, Компания уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини ва мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Компания Кузатув кенгашининг 2019 йил 04 июндаги мажлисида атрофлича муҳокама қилинганлигини маълум қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарорига асосан уставга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар уставни янги таҳрирда тасдиқлаш орқали рўйхатга олинишини инобатга олиб, устав янги таҳрирда тасдиқланиши лозим.

Мазкур масала акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун ҳавола қилинди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» Акциядорлик компаниясининг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва янги таҳрирда тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 671 277 та овоз, 99,949%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 3 896 та овоз, 0,023%.

Кун тартибидаги 11-масала юзасидан Компания корпоратив маслахатчиси О.Б.Қодиров, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига 2019 йилнинг 20 мартда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги сабабли, Компаниянинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида», «Кузатув кенгаши тўғрисида», «Ижроия органи (Бошқаруви) тўғрисида»ги Низомларига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлигини ва мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Компания Кузатув кенгашининг 2019 йил 04 июндаги мажлисида атрофлича муҳокама қилинганлигини маълум қилди. Шу билан бирга ушбу ички ҳужжатларни янги таҳрирда тасдиқлаш таклифи киритилди.

Мазкур масала акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун ҳавола қилинди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» Акциядорлик компаниясининг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида», «Кузатув кенгаши тўғрисида», «Ижроия органи (Бошқаруви) тўғрисида» Низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 671 277 та овоз, 99,949%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз.

Бетараф – 3 896 та овоз, 0,023%.

Кун тартибидаги 12-масала юзасидан Компания корпоратив маслахатчиси О.Б.Қодиров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 9-бобига кўра, Компаниянинг аффилланган шахслари билан тузиладиган битим тегишли жамият органи томонидан маъқулланиши лозим. Компаниянинг ҳозирги кунда 218 та аффилланган шахси мавжуд бўлиб, шулардан 179 тасининг устав фондида Давлат активларини бошқариш агентлигининг 20%дан ортиқ улуши бўлган корхоналар ва тизимдаги акциядорлик ҳамда масъулияти чекланган жамиятлар ҳисобланади. Улар билан Компания кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда битимни (битимларни) тузилиши акциядорлар умумий йиғилишида маъқулланиши лозим.

Ушбу масала маъқуллаш учун акциядорлар умумий йиғилишига ҳавола қилинди (Аффилланган шахслар рўйхати илова қилинади).

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» АК Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилланган шахслар билан битимни (битимларни) тузиши маъқуллансин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 662 268 та овоз, 99,895%, қабул қилинди.

Қарши – 9 009 та овоз, 0,054%.

Бетараф – 3 896 та овоз, 0,023%.

Кун тартибидаги 13-масала юзасидан Компания молия бўйича директори И.Разаков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 59-моддасига асосан Компаниянинг молиявий хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киради.

Бугунги кунга қадар Компанияга кўплаб аудиторлик ташкилотларидан тижорат таклифлари келиб тушган. Улар орасидан қуйидаги аудиторлик корхоналари Компания томонидан танлаб олинди ва акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилмоқда.

№	Аудиторлик ташкилоти номи	Хизмат тури	Хизмат ҳақи миқдори
1	“FTF – LEA – AUDIT” МЧЖ	Компаниянинг БХМС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг миллий стандартлар бўйича аудити	18 000 000 сўм (ҚҚС билан)
		Компаниянинг ХМҲС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар бўйича аудити	18 000 000 сўм (ҚҚС билан)
		СМК, СЙК ва уларнинг 2019 йил якунлари бўйича бажарилиш ҳисоби аудити	6 000 000 сўм (ҚҚС билан)
2	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	Компаниянинг БХМС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг миллий стандартлар бўйича аудити	20 000 000 сўм (ҚҚС билан)
		Компаниянинг ХМҲС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар бўйича аудити	18 000 000 сўм (ҚҚС билан)
		СМК, СЙК ва уларнинг 2019 йил якунлари бўйича бажарилиш ҳисоби аудити	5 000 000 сўм (ҚҚС билан)
3	“XB FINANCE KONSULTING” МЧЖ	Компаниянинг БХМС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг миллий стандартлар бўйича аудити	12 000 000 сўм (ҚҚС билан)
		Компаниянинг ХМҲС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар бўйича аудити	13 000 000 сўм (ҚҚС билан)
		СМК, СЙК ва уларнинг 2019 йил якунлари бўйича бажарилиш ҳисоби аудити	3 000 000 сўм (ҚҚС билан)

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг қўйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» АК нинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудитори этиб, “FTF – LEA – AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори қуйидагича белгилансин:

- Компаниянинг БХМС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг миллий стандартлар бўйича аудити – 18 000 000 сўм (ҚҚС билан);
- Компаниянинг ХМҲС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар бўйича аудити – 18 000 000 сўм (ҚҚС билан);
- СМК, СЙК ва уларнинг 2019 йил якунлари бўйича бажарилиш ҳисоби аудити - 6 000 000 сўм (ҚҚС билан).

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 15 759 та овоз, 0,094%.

Қарши – 16 655 018 та овоз, 99,852%, қабул қилинмади.

Бетараф – 4 396 та овоз, 0,026%.

2. «DORI-DARMON» АК нинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудитори этиб, “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори қуйидагича белгилансин:

- Компаниянинг БХМС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг миллий стандартлар бўйича аудити – 20 000 000 сўм (ҚҚС билан);
- Компаниянинг ХМҲС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар бўйича аудити – 18 000 000 сўм (ҚҚС билан);
- СМК, СЙК ва уларнинг 2019 йил якунлари бўйича бажарилиши ҳисоби аудити - 5 000 000 сўм (ҚҚС билан).

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 259 та овоз, 0,097%.

Қарши – 16 636 518 та овоз, 99,741%, қабул қилинмади,

Бетараф – 22 396 та овоз, 0,134%.

3. «DORI-DARMON» АК нинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудитори этиб, “XB FINANCE KONSULTING” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори қуйидагича белгилансин:

- Компаниянинг БХМС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг миллий стандартлар бўйича аудити – 12 000 000 сўм (ҚҚС билан);
- Компаниянинг ХМҲС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар бўйича аудити – 13 000 000 сўм (ҚҚС билан);
- СМК, СЙК ва уларнинг 2019 йил якунлари бўйича бажарилиши ҳисоби аудити - 3 000 000 сўм (ҚҚС билан).

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 667 263 та овоз, 99,925%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз,

Бетараф – 7 910 та овоз, 0,047%.

Кун тартибидаги 14-масала юзасидан Компаниянинг молия бўйича директори И.Ж.Разаков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли фармонида кўра, Компания мажбуриятлари 2 баробар ошиши, шунингдек 1 йилдан буён товар олинмаётганлигини инобатга олиб, 2018 йил якунлари бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра Компания **56 282 910 минг сўм** зарар билан якунланганлигини маълум қилди.

«Дори-Дармон» АК Кузатув кенгашининг 2019 йил 04 июндаги мажлиси қарори билан Компаниянинг 2017 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимотидан, Компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган 9 904,991 млн.сўм маблағни Компаниянинг 2018 йил якуни бўйича олинган зарарининг бир қисmini қоплашга йўналтириш таклифи акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилганлигини билдириб ўтилди.

Муҳокама қилинди.

Муҳокамадан сўнг, қуйидаги масала овозга қўйилди:

1. «DORI-DARMON» АК нинг 2017 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимотидан компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган 9 904,991 млн.сўм миқдордаги маблағларни Компания зарарлари қоплашга йўналтирилсин.

Овоз бериш натижалари:

Тарафдор – 16 651 369 та овоз, 99,830%, қабул қилинди.

Қарши – 0 та овоз,

Бетараф – 23 804 та овоз, 0,143%.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг, Йиғилиш раиси А.Э.Миралиев бюллетенлар бўйича овоз бериб, санок комиссиясига топширишни сўради.

Овозлар санаб чиқилганидан сўнг, санок комиссияси раиси У.М.Юлдашев овоз бериш натижаларини эълон қилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш натижалари эълон қилинганидан сўнг, овоз бериш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинди.

Акциядорлар умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Юлдашев Улуғбек Михлибаевич;
- Қодиров Ойбек Ботирович;
- Турғунов Жаҳонгир Аҳаджонович.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

Кузатув кенгашининг 2018 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

1. Компания бошқарувининг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.
2. Компаниянинг 2018 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

Тафтиш комиссиясининг 2018 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

1. «DORI-DARMON» АК нинг 2018 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича 56 282,91 млн.сўм зарар мавжудлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Компания бошқарувига 2019 йил бизнес – режаси кўрсаткичларини бажарилиши таъминлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

«DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг 2019 йил учун бизнес-режаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:

Жамият Кузатув кенгашининг қуйидаги янги таркиби бир йил муддатга тасдиқлансин:

1. Ризаев Камол Саидакбарович;
2. Юсупалиев Баходир Кахраманович;
3. Ашрафханов Бахром Баходирович;
4. Ахмедов Жўрабек Илхомович;
5. Ашуров Зуфаржон Рухиллоевич;
6. Хусанов Нодир Джумаевич;
7. Миралиев Алишер Эркинович;
8. Шакиров Бахром Аскаралиевич;
9. Мустафаев Зафаржон Бурибаевич.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:

Компания тафтиш комиссияси қуйидаги таркибда Компания акциядорларининг келгусидаги йиллик умумий йиғилишига сайлансин:

1. Мухаммадиев Уктам Шарифович – Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиги ўринбосари,
2. Мустафаев Хуршид – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиги ўринбосари,
3. Эшабаев Эркинжон Холбоевич – Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиги

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:

«DORI-DARMON» акциядорлик компаниясининг бошқарув раиси этиб, Салихбаева Умида Саидовна сайлансин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:

«DORI-DARMON» Акциядорлик компаниясининг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ва янги таҳрирда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:

«DORI-DARMON» Акциядорлик компаниясининг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида», «Кузатув кенгаши тўғрисида», «Ижроия органи (Бошқаруви) тўғрисида» Низомлари янги таҳрирда тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:

«DORI-DARMON» АК Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилланган шахслар билан битимни (битимларни) тузиши маъқуллансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича:

«DORI-DARMON» АК нинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудитори этиб, “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори қуйидагича белгилансин:

- Компаниянинг БХМС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг миллий стандартлар бўйича аудити – 12 000 000 сўм (ҚҚС билан);
- Компаниянинг ХМҲС бўйича тузилган молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар бўйича аудити – 13 000 000 сўм (ҚҚС билан);
- СМК, СЎК ва уларнинг 2019 йил якунлари бўйича бажарилиши ҳисоби аудити - 3 000 000 сўм (ҚҚС билан).

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича:

«DORI-DARMON» АК нинг 2017 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимотидан компания устав фондига кейинчалик капитализация қилиш учун ривожлантиришга йўналтирилган 9 904,991 млн.сўм миқдордаги маблағларни Компания зарарлари қоплашга йўналтирилсин.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилиш раиси А.Э.Миралиев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Баённома 2019 йил 08 июль кuni икки нусхада тузилди.

Йиғилиш раиси

А.Э. Миралиев

Котиб

О.Б. Қодиров